

---

---

## КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

Хонназаров Рўзимухаммад Абдиқаҳорович,

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
докторанти, юридик фанлари номзоди.  
xonnazarov83@mail.ru

*Келиб тушган сана 19 май, 2018*  
*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2018.*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-3-8>

### ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистонда халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш ва давлат томонидан бошқариш масалалари ёритилган. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари, зарурати, мақсад ва вазифалари, шунингдек, фаолиятнинг лицензиладиган турларига халқ табобатини киритиш, мижоз ва табиб ўртасидаги муносабатларни шартномавий таъминлаш масалалари кенг очиб берилган. Ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш хориж тажрибаси асосида ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинган. Соҳани ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги асосий вазифалар ва қўтилаётган натижалар белгилаб берилган.

**Калит сўзлар:** халқ табобати, табиб, табиблик фаолияти, халқ табобати соҳасида хизмат кўрсатиш, лицензиялаш тартиб таомиллари, табиблар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

---

Хонназаров Рўзимухаммад Абдиқаҳорович,

Докторант Академии государственного  
управления при Президенте Республики  
Узбекистан, кандидат юридических наук.  
xonnazarov83@mail.ru

### ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация:** в этой статье рассматриваются вопросы правового регулирования и государственного управления народной медицины в Узбекистане. Широко изучены основные принципы, необходимость, цели и задачи правового регулирования народной медицины, а также внедрение народной медицины в лицензионную деятельность, договорное предоставление отношений между клиентом и целителем. На основе международного опыта изучено и глубоко проанализировано правовое регулирование этой сферы. Определены основные задачи и ожидаемые результаты организационно-правовых основ сферы.

**Ключевые слова:** народная медицина, целитель, деятельность целителя, услуги в области народной медицины, процедуры лицензирования, правовое регулирование целителей.

**Khonnazarov Ruzimhammad Abdukakhorovich,**

Scientific research fellow in Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD in Juridical science.  
xonnazarov83@mail.ru

## **THE LEGAL REGULATION OF FOLK MEDICINE IN UZBEKISTAN**

**Abstract:** this article studies the issues of legal regulation and public administration of folk medicine in Uzbekistan. The basic principles, necessity, goals and tasks of legal regulation of traditional medicine, as well as the introduction of folk medicine into licensing activities, contractual provision of relations between the client and the healer were widely studied. Based on international experience, the legal regulation of this sphere has been studied and deeply analyzed. The main tasks and expected results of the organizational and legal foundations of the sphere are determined.

**Keywords:** folk medicine, healer, activity of the healer, services in the field of folk medicine, licensing procedures, legal regulation of healers.

---

### **Ўзбекистонда халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш жуда муҳим.**

Замонавий тиббиёт ва технологиялар қанчалик тараққий этмасин халқ табобати аҳоли ўртасида янада оммалашиб, фуқароларнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этишда давом этмоқда. Қолаверса, халқ табобати миллий маданиятимизнинг таркибий қисми, анъанавий қадрият сифатида ўзбек миллий менталитетининг ҳам мағзи-мағзига сингиб кетган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида халқ табобати соғлиқни сақлашнинг энг афзал шакли бўлиб ҳисобланади[1].

Ўсимликлардан тайёрланган табиий дори воситалардан фойдаланиш ва муқобил даволаниш усуллари ҳамма жойда сезиларли даражада ошиб бормоқда. Унинг оммабоплигини қандайдир бир омил билангина белгилаб бўлмайди. Халқ табобати амалиётининг мақбуллиги, арзонлиги билан бирга хавфсизлиги ва самарадорлиги, шунингдек, аллопатик тиббиёт усулларига бўлган шубҳа ва иккиланишларбуларнинг ҳаммаси маълум бир рол ўйнайди. Шунинг учун, халқ табобатига бўлган талабни кундан-кунга ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бу соҳада талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда халқ табобатини қонун билан тартибга солиш зарур. Шунингдек, Ўзбекистонда шу пайтгача халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришга доир бирор-бир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги бизни ушбу мавзунини тадқиқ қилишга ундади.

### **1. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш асослари**

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Конституциянинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" деб белгиланган[2]. Бугун биз аҳолига халқ табобати соҳаси мутахассислари томонидан кўрсатилаётган хизматларни малакали дея олмаймиз. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқлари устунлигини инобатга олиб, киши саломатлиги нафақат унинг шахсий иши, балки, шахс, жамият ва давлат

манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масала эканлигидан келиб чиқиб, табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматларни ҳам малакали бўлишини таъминлашини тақозо қилади.

**Иккинчидан,** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2014-2023 йилларга мўлжалланган халқ табобати соҳасидаги Стратегияси (Стратегия Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) в области народной медицины- 2014-2023 гг. Издание: ВОЗ. 2013 год).

Ушбу Стратегиянинг иккита асосий мақсади мавжуд: 1) аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга, фаровонликни ошириш ва инсонга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга ёрдам бериш; 2) халқ табобати амалиётини, маҳсулотларини ва табиблар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш орқали халқ табобатидан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ушбу мақсадларга учта стратегик вазифаларни амалга ошириш орқали эришилиши мумкинлиги белгиланган: 1) халқ табобати соҳасининг ахборот базасини яратиш ва миллий сиёсатни шакллантириш; 2) халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан хавфсизлик, сифат ва самарадорликни ошириш; 3) халқ табобати хизматларини миллий соғлиқни сақлаш тизимида интеграциялашувини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш хизматларининг оммавий қамраб олинишини рағбатлантириш.

Ушбу Стратегия барча аъзо давлатлар, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам халқ табобати соҳасини тартибга солишни стратигик режалаштиришда муваффақиятга эришишга имкон берадиган йўл харитаси бўлиб ҳисобланади.

**Учинчидан,** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Стратегиянинг 4.2. банди аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Ушбу Стратегияда кўрсатиб ўтилган масалаларни амалга ошириш учун халқ табобатининг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкин ва бунга тўла имконият мавжуд. Жаҳонда тиббиёт илмининг асосчиси "Авиценна" номи билан танилган Абу Али ибн Сино туғилган юртда унинг бой илмий-амалий меросидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун халқ табобатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш орқали миллий соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш тақозо этилади.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни[3].

Қонуннинг 8-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади" деб ёзилган. Табиблик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита дахлдор ижтимоий масала бўлганлиги сабабли ҳам ушбу соҳа фақат қонун билан тартибга солинишини тақозо қилади.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни.

Қонуннинг 7-моддаси "Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини аниқлаш" деб номланиб, унга кўра "фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради" деб белгилаб қўйилган[4]. "Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади"деб кўрсатилган. Ушу қонун нормаси халқ таъбиботи фаолияти инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги учун лицензияланиши, шу билан бирга халқ таъбиботи тўғрисидаги қонун билан тартибга солиниши шартлигини тақозо қилади.

**Олтинчидан,** Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги Қарори[5].

Ушбу Рўйхатда "тиббий фаолият", "Фармацевтика фаолияти", ҳаттоки "Ветеринария фаолияти" киритилган. "Халқ таъбиботи фаолияти" ҳам инсон соғлиғига бевосита дахлдор фаолият тури бўлганлиги сабабли ушбу Рўйхатга киритишни тақозо этади.

**Егтинчидан,** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сонли "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори[6].

Машғулотларнинг Халқаро Стандарт Классификатори (МХСК-88), Машғулотларнинг Миллий Стандарт Классификаторида (ММСК) табиб мутахассислиги борлигини инобатга олиб, шунингдек, меҳнат бозорида янги касблар ва лавозимлар пайдо бўлишини ҳисобга олиб Классификаторга "табиб" мутахассислигини киритилишини тақозо қилади.

**Саккизинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни[7].

Ушбу қонунда халқ таъбиботи ва табиблик фаолияти гарчи инсонларнинг соғлиғига дахлдор бўлсада умуман эътироф этилмаган. Деярли барча хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунларида "халқ таъбиботи"нинг ҳуқуқий таърифи келтириб ўтилган. Республикамининг қонун ҳужжатларида халқ таъбиботининг ҳуқуқий таърифи берилмаган. Шу сабабли, ушбу қонунда "Халқ таъбиботи" нинг ҳуқуқий таърифини ўзида ифодаловчи алоҳида модда киритилишини тақозо қилади.

**Тўққизинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" Фармони[9].

Ушбу Фармонга асосланган ҳолда, Халқ табобати соҳасида тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали, хизмат кўрсатаётган табиблар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида халқ табобати соҳасини мувофиқлаштирувчи ягона тузилмани ташкил қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

**Ўнинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги ПФ-2171-сонли "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" Фармони[9].

Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ибн Сино халқаро жамғармаси ташкил этилган эди.

Ушбу жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири сифатида Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириб бориш белгилаб берилган эди. Афсуски, Ўзбекистонда халқ табобатининг бугунги кундаги ҳуқуқий ҳолати ушбу соҳани қонун ости ҳужжати билан эмас, алоҳида қонун ва қонунчилик тизимини шакллантириш орқали ривожлантириш мумкинлигини тақозо қилмоқда.

**Ўн биринчидан,** Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 25 январдаги 36-сонли "Ибн Сино халқаро жамғармасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги Қарори[10].

Ушбу қарор ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги ПФ-2171-сонли фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Бироқ, Ибн Сино Жамғармаси бугунги кунда халқаро жамғарма сифатида эмас, балки миллий жамоат фонди шаклида Адлия вазирлигидан рўйхатидан ўтган бўлиб, унинг ташкилий ҳуқуқий шакли юқорида кўрсатилган Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ келмайди. Ибн Сино жамғармасини ҳуқуқий мақомини халқаро жамғарма сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

**Ўн иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли Фармони ва "2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, жаҳонда тиббиёт илмининг асосчиси "Авиценна" номи билан танилган Абу Али ибн Синонинг довуғини кенг тарғиб қилиш ва у туғилган Афшона қишлоғида сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афшона қишлоғида Халқ табобати маркази, экобоғ, табиий гиёҳлар, доривор ўсимликлар, аллома ижоди ва табобатга оид адабиётлар савдо шаҳобчаси, кутубхона ҳамда замонавий меҳмонхонани ўз ичига олган Абу Али ибн Сино мероси мажмуасини барпо этиш, халқ табобати усуллари қўллаш назарда

тутилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги № 350-Фармойиши қабул қилинди. Ушбу фармойишда белгиланган вазифаларни тўла қонли амалиётга жорий қилиш учун, яъни табиий гиёҳлар ва доривор ўсимликларни савдо шаҳобчаси ва халқ таъбибати марказини фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш учун ҳам бу соҳани ҳуқуқий асосларини яратилишини тақозо қилади.

## **2. Халқ таъбибати ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти**

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, кенг қўламли янгилаш ва ривожланиш босқичлари, татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар билан бир қаторда, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ таъбибати ривожлантириш, уни ҳуқуқий томонидан мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик тизимини шакллантириш жуда зарур.

Табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита дахлдор бўлганлиги сабабли, шунингдек, киши саломатлиги нафақат унинг шахсий иши, балки, ижтимоий масала эканлигидан келиб чиқиб, бу борадаги хавф-хатарни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида табиблар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва халқ таъбибати ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Адлия вазирлигида "Табиб" мутахассислиги бўйича бирор бир меъерий ҳужжат рўйхатга олинмаган. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблариклассификаторида "табиб" мутахассислиги киритилмаган. Шу сабабли ҳозирги кунда "табиблик" фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқаролар даромадлари солиққа тортилмасдан келинмоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра республикада 516 та халқ таъбибати соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатга олинган. Аммо ҳақиқатда эса бу фаолият билан расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда яқка тартибда шуғулланувчилар бир неча баробар кўплиги сир эмас. Мамлакатда халқ таъбибати билан шуғулланувчи шахсларнинг ягона реестри ҳам мавжуд эмас. Республикада халқ таъбибати соҳасида расмий статистик маълумотлар ҳам шакллантирилмасдан келинмоқда.

Халқ таъбибати соҳасида кўп сонли табиблар фаолият юритаётганлиги ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг катталигига қарамасдан, мамлакатимизда табиблар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги, тиббий маълумотга эга бўлмаган, касбий малакаси етарли бўлмаган ҳар қандай шахсларнинг халқ таъбибати фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳамда ушбу фаолиятдан олинадиган ҳақиқий даромадларини яширган ҳолда бюджетга солиқларни тўламастикларига шароит яратмоқда.

Халқ таъбибати фаолияти давлат органлари томонидан назорат қилинмаслиги ва мувофиқлаштирилмаслиги сабабли табибларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда хатарлилик ва хавфлилик даражаси юқори бўлмоқда. Инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолмоқда. Халқ таъбибати соҳасида кўрсатилаётган табиблик хизматлари ҳамда бу хизматларга баҳоларнинг шаклланиши мутлақо мавҳумлиги, ушбу соҳадаги турли суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига замин яратмоқда ва табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлари истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолатни Олий суд томонидан 2010-2017 йилларда халқ табобати соҳаси вакилларининг хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузулиши билан боғлиқ 1529 ишлар кўриб чиқилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, амалиётда "табиблар" билан уларнинг хизматларидан фойдаланувчиларнинг ўртасида расмий шартнома тузилмаслиги сабабли жуда кўп ҳолатларда жабрланувчилар судларга мурожаат қилмайдилар.

Бугунги кундаги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, замонавий тиббиётнинг тараққий этиши аҳолининг табибларга мурожаатлари сонини камайтирмаяпти. Бу ҳолат ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. Халқ табобатини маъмурий восталар билан таъқиқлаб бўлмайди. Халқ табобати соҳасида табибларнинг профессионалигини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқилмаганлиги ва мутахассиснинг касбий малакасини баҳолашга имкон берадиган органларнинг мавжуд эмаслиги айти пайтда уларнинг профессионалигини фақат беморлар (мижозлар) баҳолаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, кўрсатилаётган хизматлар хавфсизлигини ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш, аҳолининг тажрибали ва малакали табиблар хизматидан фойдаланишини ҳуқуқий таъминлаб, сохта табиблардан муҳофаза қилиш мезонларини белгилаб бериши шарт.

Ўз навбатида ҳуқуқий базанинг ривожланмаганлиги халқ табобати соҳасида халқ томонидан эътироф этилган, халқ орасида обрӯ-эътиборга эга бўлган табибларнинг қонун доирасида фаолият олиб боришларига, ҳамда давлат рўйхатидан ўтган, халқ табобати соҳасида хизмат кўрсатадиган айрим ташкилотлар учун ҳам ноқулайликлар ва турли муаммолар туғдирмоқда. Бу уларнинг ўз фаолиятлари доирасида амалга оширган хатти-ҳаракатларини суд томонидан ноқонуний деб топилишидан доимо хавотирда бўлиб келаётганликларида яққол кўринади.

Табиийки, буларнинг барчаси нафақат халқ табобатининг, балки миллий соғлиқни сақлаш тизимининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам халқ табобатига оид муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг тизимли асосини яратувчи ва унинг самарали ривожланишини таъминловчи, қонун ҳужжатларини, яъни Соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча қонун ҳужжатларини ягона кодексга жамлаган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодекси"ни қабул қилиш ва унинг таркибида "Халқ табобати" бўйича алоҳида бўлим киритиш зарур. Кодекснинг халқ табобати бўлимида халқ табобати билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, халқ табиблари жамоат бирлашмаси, халқ табобати соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқи, халқ табобати ташкилотлари ва муассасаларини тузиш ва тугатиш тартиби, халқ табобати фаолияти, хизматлар ва дори воситалари ҳақида ахборотлар, халқ табобати дори воситаларига қўйиладиган талаблар, кленик синовдан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга доир нормалар киритилиши зарур.

### **3. Халқаро ҳужжатлар, хорижий давлатлар қонунлари ва тажрибасини ўрганиш**

Ҳозирги пайтда Хитой, Япония, Вьетнам, Жанубий Корея, Лаос, Малайзия каби мамлакатларда халқ табобатига расмий мақом берилган. Масалан, Хитойда

тиббий хизматнинг 40 фоизи табиблар томонидан кўрсатилади. Соғлиқни сақлашда қўлланиладиган дори воситаларининг атига 4 % чет мамлакатлардан импорт қилинади. Аҳоли истеъмолида бўлган дори воситаларининг асосий қисми табиий доривор ўсимликлардан тайёрланади.

Халқаро, миллий ва нодавлат ташкилотлар турли хил касалликларни даволашда хавфсиз, самарали ва арзон даволашни таъминлаш учун муҳим саъй-ҳаракатларни амалга оширишда давом этмоқда. Бироқ, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг учдан бир қисми ҳали ҳам асосий (зарурий) дори воситаларини сотиб олиш имкониятига эга эмас ва бу кўрсаткич Африка ва Осиёнинг энг қашшоқ жойларида 50% дан ортади. Яхшиямки, кўплаб ривожланаётган мамлакатларда халқ табобати соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиб, унинг асосий ва арзон манбаси бўлиб ҳисобланади. Айниқса, халқ табобати усулларида сурункали ва замонавий тиббиётда даволаб бўлмайдиган касалликларни даволашда фойдаланилиши жиддий ташвишга сабаб бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (ВОЗ) ўтган асрнинг охириги йилларида халқ табобатини чуқур ўрганиш ва бу соҳадаги тадқиқотларни янада кенгайтириш бўйича бир неча қарорлар қабул қилди. Жумладан, 1972 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти штаб-квартирасида халқ табобати соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган маслаҳат мажлиси бўлиб ўтди. Маслаҳат мажлисининг асосий мақсади халқ табобати соҳасидаги таълим ва тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш, табиблар фаолиятини такомиллаштиришдан иборат эди.

1974 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини ўрганиб чиқди. Тадқиқот иштирокчилари аҳолини тиббий хизматга бўлган эҳтиёжларини халқ табобати соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва улардан тиббий-санитария хизматида фойдаланиш орқали қондириш мумкинлиги ҳақида тавсия берди. Ушбу тавсиялар 1975 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ижроия Қумитаси ва 1977 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ассамблеяси томонидан маъқулланди ва халқ табобати соҳасида мутахассислар тайёрлаш ҳамда бу борада кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш ҳақида резолюция қабул қилди.

**1976 йилнинг июнь ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Женевада халқ табобатини ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича дастур қабул қилди. Дастурда бу соҳадаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш билан бир қаторда асосий вазифа сифатида қуйидагиларни алоҳида белгилаб берди:**

- тиббий-санитария хизматини юқори даражага кўтариш имкониятига эга бўлган халқ табобатини реал баҳолаш ва ёндошиш мезонларини ишлаб чиқиш;
- халқ табобатини замонавий фан нуқтаи назаридан баҳолаш ва тадқиқ этиш;
- замонавий медицина ва халқ табобати ўртасидаги самарали усуллар ҳақидаги ахборот алмашинувини таъминланишини қўллаб-қувватлаш.

1988-1989 йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперт комиссияси томонидан халқ табобатининг икки асосий йўналиши - фитотерапия ва акупунктура расмий соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиши эътироф этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ахборотида кўра бугунги кунда жаҳоннинг 130 га яқин мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатидан кенг фойдаланилаётганлигини маълум қилди.



Булардан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо мамлакатлар учун жиддий аҳамиятга эга бўлган 2002-2005 йилларга, ҳамда 2014-2023 йилларга мўлжалланган "Халқ табобати соҳасидаги стратегия"си Ўзбекистон ҳукумати олдига ҳам бу соҳада аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган талай вазифаларни ҳам белгилаб берган. Бинобарин, Стратегияда халқ табобати жуда қадимдан аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилиб келмоқда дейилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқ табобати секцияси, халқ табобати усуллари баҳолашни ва унинг фойдали томонларини миллий соғлиқни сақлаш тизимига киритишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга халқ табобати асрий илдизларга эга мамлакатларда табобат амалиётининг анъанавий шакллари тадқиқ қилиш, унинг самарадор ва хавфсиз элементларини аниқлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизими тиббий амалиётига киритиш дастурига мувофиқ муштарак тадбирларни белгилайди.

ЖССТга аъзо 194 мамлакатнинг 129 тасида халқ табобати расмий мақомга эга бўлди. Улар ичида Хитой, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг қонунчилиги бой тажрибага эга ва такомиллашгандир.

Бу борада МДҲ мамлакатлари қонунчилиги тажрибаси ўрганилганда, айрим давлатларда ушбу соҳа алоҳида қонун билан, айримларида эса қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги маълум бўли. Жумладан, Тожикистон Республикасида "Халқ табобати тўғрисида"ги Қонун 2004 йил 9 декабрдаёқ қабул қилинган эди[11]. 2017 йил 30 майда Тожикистонда Соғлиқни сақлаш кодекси қабул қилинди ва ушбу кодекснинг 12 бўлими халқ табобати деб номланди. Кодекснинг 76-82-моддалари халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилгандир. Беларусь Республикасида, Россия ва Қозоғистонда халқ табобати қонун билан тартибга солинган[12].

#### **4. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва вазифалари**

Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад - Ўзбекистонда бу соҳада хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини тартибга солишнинг замонавий талабларига мос тарзда босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган ҳамда халқ табобатига оид муносабатлар иштирокчилари ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи тизимни яратишдир.

#### **Амалга ошириладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:**

Халқ табобати соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини жорий этиш, табиблар фаолиятини лицензиялаш, табибларга малакавий талабларни белгилаш ва уларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш, улар фаолиятини назорат қилиш кабилардан иборат бўлган давлат томонидан тартибга солиш шакллари белгилаш;

- табиблар фаолиятининг рухсат этилган турларини белгилаш;
- табиблар хизматлари буюртмачиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш; кўрсатилаётган хизматлар хавфсизлигини ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш.

#### **5. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишдан кутилаётган натижалар:**

- халқ табобати соҳасини тартибга солувчи қонунчилик тизимини шакллантиради ва сезиларли тарзда кенгайтиради;

- табиблар фаолиятдан олинадиган солиқ тушумларини легаллаштиради, давлат бюджет маблағларини сезиларли тарзда ошишига олиб келади;
- табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди. уларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан хавф-хатар бартараф этилади;
- халқ таъбиботи ташкилотлари (табиблар) томонидан олинган мажбуриятларни бажарилиши устидан назорат қилиш механизмларини яратади;
- табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилади;
- халқ таъбиботи соҳасига ноқонуний фаолият юритувчи табибларнинг (сохта табиблар) киришига тўсиқ қўяди;
- халқ таъбиботи соҳасини бошқариш имкониятини вужудга келтиради ва самарадорлигини оширади;
- халқ таъбиботи даволаш харажаатларини камайтириш ва самарадорликни ошириш имкониятига эга бўлиб, табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳисобига соғлиқни сақлаш тизимига бўлган босим юқини камайтиради;
- соғлиқни сақлаш тизимида замонавий медицина ва халқ таъбиботини уйғунлашган тизимини яратилиши ҳар бир тизим ўзининг энг яхши усулларидан оқилона фойдаланган ҳолда, бир-бирининг камчиликларини тўлдирилишига эришилади;
- фуқаролар ўз саломатликларини асрашда бири иккинчисини тўлдирадиган ҳар иккала тизимдан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- ҳам халқ таъбиботининг, ҳам замонавий тиббиётнинг интеграциялашган тизимини барқарор ривожланишини таъминлайди, уларнинг барча иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини мақбуллаштиради.

#### Иқтибослар/Сноски/References

1. Стратегия Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) в области народной медицины 2014-2023 гг. Издание: ВОЗ. -С.16. - Женева, 2013. (The strategy of the World Health Organization (WHO) in the field of traditional medicine 2014-2023. Edition: WHO. -С.16. - Geneva, 2013.)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент.: "Ўзбекистон" - 2017. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. Tashkent: "Uzbekistan" - 2017.)
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда. (Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2012, No. 52, Art. 583.)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2000, No. 5-6, Article 142.)
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 14-модда. (Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2002, No. 2, Art. 14.)
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 326-модда; 29-сон, 693-модда. (Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2015, No. 25, Art. 326; No. 29, Art. 693)
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, No. 9, Art. 128.)
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 11-12, Art. 178.)
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 31-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1999, No. 1, Article 31.)

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.01.1999 й. 36-сон "Ибн Сино халқаро жамғармасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги Қарори (The 36th Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 25.01.1999 y. "On the establishment and activity of the Ibn Sino International Fund")

11. АхбориМаджлисиОлиРеспубликиТаджикистан 2004 год, №12, ч-1, ст. 700 (Bulletin ofMajlisiOli of the Republic of Tajikistan 2004, No. 12, p-1, art. 700)

12. Статья 57 "Основы законодательства Российской Федерации об охране здоровья граждан" (утв. ВС РФ 22.07.1993 N 5487-1). (Article 57 "Fundamentals of the legislation of the Russian Federation on the protection of public health" (approved by the RF Armed Forces on 22.07.1993 No. 5487-1).)